

Сийрат дарслари (160-дарс) Маст қилувчи нарсанинг ози ҳам ҳаромдир



19:00 / 19.11.2021 3766

586. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ичимлик келтирилди. У зот ундан ичдилар. Ўнг тарафларида бир бола бор эди. – Бошқа ривоятда: қавмнинг энг кичиги. – Чап тарафларида ёши катталар бор эди. Шунда у зот болага: **«Анавиларга беришимга изн берасанми?»** дедилар. «Аллоҳга қасамки, Эй Аллоҳнинг Расули, сиздан қолган насибамга бировни раво кўрмайман», деди бола. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (идишни) унинг қўлига узатдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

587. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кўпи маст қилган нарсанинг ози ҳам ҳаромдир»**, дедилар».

Насоий, Ибн Можа, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

588. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ хамрни, унинг ичувчисини, қуйиб берувчисини, сотувчисини, сотиб олувчисини, сиқувчисини, сиқтирувчисини, кўтарувчисини ва кўтартирувчисини лаънатлади», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан